



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

9 ЖИЛД, 2 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 9, НОМЕР 2

LOOK TO THE PAST
VOLUME 9, ISSUE 2



ТОШКЕНТ-2026

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ЎзР. ФА. Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети

Аминова Азиза Марковна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори (DSc),
Тошкент ирригация ва кишлок хужалигини механизациялаш мухандислари институти Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат техника университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент ахборот технологиялари университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори (DSc),
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодири Абдуллаевна
тарих фанлари доктори (DSc),
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ермегов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Андижон давлат университети

Рашидов Ойбек Расулович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор,
Қозогистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори (DSc),
Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори (DSc),
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Таниева Гулдона Мамановна
тарих фанлари доктори (DSc), доцент,
Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайдон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Курбанов Бахтияр Журабаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Наманган давлат университети

Ҳакимова Шоира Сағдуллаевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), UBS Тошкент филиали

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Баҳадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Юсупов Аҳмеджон Шоназарович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Urganch davlat universiteti

Тиллажаева Хуршида Джумаваевна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Тошкент давлат техника университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб

Исоқов Бахтиёр Робидинович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

Турсунова Юлдуз Бобоқулловна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
ЎзР. ФА. Тарих институти

Азаматова Гулмира Байирбековна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Jizzax davlat pedagogika universiteti

Каримжонов Жасурбек Мухторжонович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD),
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Ольга Кобзева БАРОНЫ РИХТГОФЕНЫ: ИСТОРИКИ И ГЕОГРАФЫ.....	5
2. Oybek Rashidov O‘ZBEKISTON SSRNING TASHKIL TOPISHI.....	15
3. Sevara Pulatova O‘ZBEKISTON MUZEYLARI INNOVATSION RIVOJLANISH YO‘LIDA.....	21
4. Ойдин Маннопова ПЕРИОД СТАБИЛИЗАЦИИ И РОСТА ТОРГОВО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО И ИНВЕСТИЦИОННОГО СОТРУДНИЧЕСТВА МЕЖДУ РЕСПУБЛИКОЙ УЗБЕКИСТАН И РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИЕЙ (2000 – 2008 гг.).....	27
5. Faxriddin Yormatov ALISHER NAVOIYNING DAVLAT BOSHQARUVIDAGI O‘RNI VA DIPLOMATIK QARASHLARI.....	32
6. Feruza Atajanova OLIIY TA‘LIM SOHASIDAGI ISLOHOTLAR MOHIYATI: YUTUQLAR, KAMCHILIKLAR VA NATIJALAR.....	37
7. Ikrom Djurayev MARKAZIY OSIYODA QADIMGI KO‘CHMANCHI VA O‘TROQ AHOLINING O‘ZARO MUNOSABATLARI.....	42
8. Muslima Bazarova O‘ZBEKISTON XOTIN-QIZLARI TADBIRKORLIGINI MOLIYAVIY QO‘LLAB- QUVVATLASHDA BANKLARNING O‘RNI.....	49
9. Diyora Chorshanbiyeva YOSHLARGA OID DAVLAT DASTURLARI VA ULARNING NATIJAVIY TAHLILI.....	56
10. Муродилла Хайдаров ФРЕДЕРИК СТАПП [1] МАРКАЗИЙ ОСИЁНИ ҚАЙТА КАШФ ЭТИБ... [2].....	62
11. Xamro Rahmonov O‘ZBEKISTONDA GENDER TENGLIKNI TA‘MINLASHGA OID DAVLAT SIYOSATI.....	69
12. Umrbek Salayev QADIMGI XORAZM: TARIXIY MANBALAR VA ILMIY TALQINLAR TAHLILI.....	75



Муродилла Махмутаевич Хайдаров,

Таржимон


т.ф.д., Геология фанлари университети профессори

ФРЕДЕРИК СТАРР [1]

МАРКАЗИЙ ОСИЁНИ ҚАЙТА КАШФ ЭТИБ... [2]

(Давоми. аввалги қисмлари журналнинг 2025 йил 4 сониди берилган)

For citation: Murodilla M.Haydarov. FREDERICK STARR. Discover Central Asia anew. Look to the past. 2026, vol. 9, issue 2.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.18700981>

АННОТАЦИЯ

Стивен Фредерик Старрнинг ушбу асари Шарқ тарихи бўйича ноёб ходиса яъни инсоният цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган Марказий Осиё уйғониш феноменини аниқроғи мамлакатимиз олимларининг улкан илмий-маданий меросини очиб беришга қаратилган. Мазкур асарда олимларнинг эркин фикр юритишлари, диний бағрикенглик масалалари, эришилган илмий ютуқларнинг асл сабаблари баён этилган. Олимларнинг жасурлик билан илгари сурган ғоялари дунё илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшганлиги очиб берилган. Шунингдек Марказий Осиёда илм-маърифатни қуйига тушишига таъсир кўрсатган омилар батафсил баён этилган. Замонавий даврда келажакни куриш энг муҳим йўналишлардан бири сифатида илмий-маданий тарққиётга интилиш танланганлиги таъкидлаб ўтилган. Таржимон томонидан асардаги баъзи масалалар юзасидан замонавий илмий тадқиқот хулосалари баён этилган.

Калит сўзлар: сайёралар тизими, насронийлик, мутафаккир, дохиёна таълимот.

Муродилла Махмутаевич Хайдаров,

Переводчик

Док.ист.наук., профессор Университет геологических наук

ФРЕДЕРИК СТАРР

ОТКРЫВАЯ ЦЕНТРАЛЬНУЮ АЗИЮ ЗАНОВО

АННОТАЦИЯ

Данный труд Стивена Фредерика Старра посвящен раскрытию феномена пробуждения Центральной Азии - редкого явления в истории Востока, внесшего огромный вклад в развитие человеческой цивилизации. В частности, работа направлена на освещение колоссального научно-культурного наследия ученых нашей страны. В данной работе рассматривается свободомыслие ученых, вопросы религиозной толерантности и истинные причины научных достижений. Показано, что идеи, смело выдвинутые учеными, внесли значительный вклад в развитие мировой науки. Подробно изложены и факторы, повлиявшие

на спад науки и просвещение в Центральной Азии. Отмечалось, что современных условиях стремление к развитию науки и культуры было выбрано одним из важнейших направлений построения будущего. Переводчик представляет выводы современных научных исследований по некоторым вопросам в работе.

Ключевые слова: планетарная система, христианство, мыслитель, гениальное учение

Murodilla M. Haydarov,

Translator

Doctor of Historical Sciences,

Professor university of geological sciences

FREDERICK STARR
Discover Central Asia anew

ABSTRACT

Stephen Frederick Starr's work is dedicated to revealing the phenomenon of Central Asian awakening - a rare phenomenon in the history of the East that has made a huge contribution to the development of human civilization. In particular, the work is aimed at illuminating the vast scientific and cultural heritage of our country's scholars. This work examines scholars' freethinking, religious tolerance issues, and the true causes of scientific achievements. It is shown that the ideas boldly put forward by scientists have made a significant contribution to the development of world science. The factors that influenced the decline of science and education in Central Asia are also detailed. It was noted that in modern conditions, striving for the development of science and culture has been chosen as one of the most important directions in building the future.

The translator presents the conclusions of contemporary scientific research on some issues in the work.

Index Terms: planetary system, Christianity, thinker, genius doctrine.

1. Долзарблиги: Шарқ уйғониш даврининг асосчилари бизнинг аждодларимиз эканлиги тарихимизнинг ёрқин саҳифаларидан бири сифатида ҳар томонлама ўрганилиши доимо долзарб бўлиб келган. Шунингдек мутафаккир олимларимизнинг илмий мероси хорижий тадқиқотчилар томонидан ўрганилиши, илмий-маданий меросимизни жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини чуқур эҳтиром билан эътироф этиши бугунги кунда ёшларимизда фахр туйғусини шакллантиради. Юртимиз ахлини, келажак авлодни ана шу меросга муносиб бўлиш ва юрт тараққиётига ҳисса қўшишга ундайди.

2. Ўрганилганлик даражаси ва методологияси

Марказий Осиё тарихи бўйича кўплаб хорижий тарихчи олимлар, сиёсатшунослар асарлар ёзганлар ва илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Фредерик Старр “Йўқотилган Маърифат асрлари: Марказий Осиёнинг араблар босқинидан токи Темурғача бўлган олтин даври” номли йирик асарида Марказий Осиё хусусан, мамлакатимиз олимларининг жаҳон илму фани тараққиётига улкан ҳисса қўшганлиги баён этилган. Унинг мақсади Марказий Осиёнинг қолоқлиги ва четда қолганлиги ҳақидаги афсона пуч эканлигин исботлашдир. У китобхонни ҳозирги Туркменистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон, қисман Афғонистон, Покистон ва Хитой ҳудудларида содир бўлган, инсоният тарихида муҳим рол ўйнаган илмий кашфиётлар ва бошқа воқеалар билан таништиради.

Мазкур мақолада таржимаси келтирилган Фредерик Старрнинг навбатдаги “Марказий Осиёни қайта кашф этиб...” асари ҳам юқорида келтирилган фикрларни асосий қисмини ўзида акс эттирган.

Марказий Осиёнинг буюк даври нега сўнди? Энг кенг тарқалган изоҳ шундан иборатки, интеллектуал чакнаш 1218-йилда Мўғулистоннинг марказий минтақаси (“ҳеартланд”)дан бошланган Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар босқини туфайли пасайиб кетди. Мўғул босқинчилари Ўрта Осиёнинг аксарият маҳобатли шаҳарларини талон-тарож

қилгани айни хақиқат. Шунга қарамай, учта далил мўғуллар билан боғлиқ инкирозни инкор этишга имкон беради.

Биринчидан, савдо-сотик туфайли деярли барча шаҳарлар тезда қайта тикланди.

Иккинчидан, мўғул истилоси нафақат Катта Марказий Осиёни яққалаб қўймади, балки, аксинча, унинг Европа билан ҳам, Осиёнинг қолган қисми билан ҳам алоқаларини кенгайтиришга ёрдам берди - чунки мўғуллар ўзларининг улкан империясида чегаралар ва тарифларни бекор қилишди. XIII асрда Хитойга саёҳат қилган Марко Поло Афғонистон орқали ўтганида, унга фақат "патент" ёки замонавий тилда оддий виза керак бўлган. Ҳеч бўлмаганда, маданиятлараро алоқалар даражасидаги алоқалар интеллектуал юксалишга қанчалик ҳисса қўшгани ҳолда, улар мўғуллар ҳукмронлиги даврида ҳам сақланиб қолди.

Учинчидан, 1221-йилда ҳатто мўғулларни хурфикрликни бўғувчилар сифатида кўрсатилганида ҳам (улар аслида ким бўлмаган, нималарни содир этмаган) [3] бундан юз йил аввалроқ бутун Марказий Осиё бўйлаб маданий қудратнинг катта қисми йўқола бошлагани ва умуман олганда, бу жараён бир неча аср олдин бошланганини ҳисобга олиш керак. Тўғри, XII асрда ҳам Марвда ўнлаб кутубхоналар (улардан бирида 12 минг жилддан китоб бор эди), Бухорода эса 50 дан ортиқ мутафаккир табиблар фаолият юритарди.

Аммо бу асрнинг бошларига келиб, интеллектуал салоҳиятнинг диққат маркази универсал ва ўрганилмаган соҳаларга дадил илмий қадам ташлашдан кўра илгари олинган билимларни тизимлаштиришга ва тор муаммолар бўйича батафсилроқ, аммо "эҳтиёткор", алоҳида мунозараларга сабаб бўлмайдиган тадқиқотларни тайёрлашга ўтди. Ўтмишдаги ёрқин аланга сўнганининг аниқ белгиси шундаки, бу даврда сақланиб қолган кўлёмаларнинг аксарияти олдинги асарларнинг нусхалари ёки уларга шарҳлардир, лекин аввалгидек дурдона асарлар эмас.

Хуллас, "ким айбдор?" деган савол мўғулларга ишора қилмайди, ундай бўлса, тушкунликка нима сабаб бўлди? Марказий Осиёнинг маҳобатли қадимий шаҳарларининг аксарияти бугунги кунда ташландиқ харобалардан иборат бўлиб, чўлнинг жазирама қуёши остида унсиз қотиб қолган ва фақат баъзи жойларгина шувоқ билан қопланган. Уларга қараб, баъзан маданий таназулнинг барча айбини чуқур иқлим ўзгаришлари ёки бошқа экологик ларзаларга тўнкаш васвасасига дучор бўлиш ҳеч гап эмас. Аммо бу минтақанинг экологик тарихига оид кўплаб тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, маданий гуллаб-яшнаш даврида иқлим деярли ҳозиргидек бўлган ва асосий ўзгариш бир пайтлар Марказий Осиёнинг шон-шуҳрати бўлган суғориш тизимларининг вайрон бўлишидан иборат.

Мўғулларни ҳам, экологияни қўя турайликда, минтақанинг таназулига сабаб бўлган камида тўртта омилни кўриб чиқайлик.

Биринчидан ва салмоқлиси - бу ёруғ жаҳонда ҳеч нарса абадий эмас. Классик Афинанинг олтин даври атиги бир аср давом этди, шундан сўнг шаҳар кумуш аср деб аталадиган даврга кирди. Уйғониш даврининг жуда кам шаҳарлари бир ярим асрдан кўпроқ вақт давомида маданий ижодкорлик чўққисида сақланиб қолди. Кўтарилиш ва чўққига эришиш табиий ва муқаррар равишда таназул билан алмашади.

Марказий Осиё мисолида (ҳатто Ғарбдаги араблардан кўра кўпроқ) қадимги Юнонистон, Яқин Шарқ ва Ҳиндистондан олинган янги ғоялар ва кенг билимларни ўзлаштириш ва сингдириш орқали минтақада ўзига хос фикрлаш учун кучли туртки бўлди. 1100-йилга келиб, бу вазифа адо этилди. Шу билан бирга, бундан сўнг ижтимоий ҳаётда ҳеч қандай янги ва нисбатан катта илмий билим соҳаси пайдо бўлмади. Албатта, Европа Ренессанси бундай рағбатни келтириб чиқариши керак эди, аммо бу вақтга келиб, илгари цивилизацияларни боғлаган йирик савдо йўллариининг энг яхши кунлари аллақачон ортда қолгани сабаб Марказий Осиёнинг яққаланиши ва таназулга учраши муқаррар бўлиб қолди.

Иккинчидан, динлар маданиятларнинг бир қисми бўлгани ҳолида - ўз ривожланишида динамизмдан, ўзларининг ҳақлиги ва ноёблигига тўлиқ ишончдан бошланиб, турли хил тажрибалар учун дарча очадиган, кейин эса ортодоксалликка бориб тақаладиган маълум жараёнларга кириб боради. Биз сўз юритаётган даврга келиб Марказий Осиёда зардуштийлик билан ҳам, буддавийлик ҳам шу кунларни бошдан кечирганди.

Исломга келсак, бунёдкор тафаккурнинг энг катта гуллаб-яшнаши эртароқ - 800-1100-йиллар оралиғида бошланган. Унинг "ортодоксаллашуви" ҳам эрта бошланган, бироқ 1100-йилларга келиб ўзининг энг юқори нуқтасига етмаган. Ҳатто ўша пайтда ҳам бир неча алоҳида илғор кўриқчи маконларлар сақланиб қолган бўлиб, улар тахминан бир аср давомида интеллектуал жиҳатдан яшовчан бўлиб қолган. Шунга қарамай, Форс ва туркий Марказий Осиёда, худди араб дунёсининг марказида ва Форснинг ўзида бўлгани каби, мусулмон ортодоксаллигининг тобора кучайиб бораётган чекловлари эркин фикрлаш ва инсонпарварлик доирасини аста-секин торайтирди.

Катта Марказий Осиёда эркин интеллектуал ҳаётнинг сўнишига сабаб бўлган бу "ўзак" воқеликлардан ташқари, учинчи ва янада ўзига хос омил мусулмонларнинг суннийлар ва шиаларга бўлиниши эди. Бу асосий бўлиниш 632-йилда Муҳаммад пайғамбар вафотидан кейин биринчи авлод ҳаётлигида содир бўлди. Дамашқда биринчи халифалик ўрнатилган вақтга келиб, суннийлар деярли бутун мусулмон дунёсига эгалик қилишган. Биргина Мисрда 968-1171-йилларда шиа Фотимийлар сулоласи ҳукмронлик қилган. Ҳатто Фотимийлар кулашидан олдин ҳам шиалар аста-секин шарққа сиқиб чиқарилиб, асосий конфессионал можаролар ўчоғини Форс ва Марказий Осиёга кўчирдилар. Бу воқеа содир бўлгач, бутун минтақадаги сунний ҳукмдорлар шиаликда, яъни уларнинг нуқтайи назарида бидъатга мойилликда гумон қилиниши мумкин бўлганларнинг барчасини исканжага олишди. Ибн Сино каби кўплаб буюк инноваторлар шиа оилаларидан чиққан. Бундан буён уларнинг ҳаммаси шубҳа остида эди.

Ўз-ўзидан маълумки, бу ўзгаришлар шиа хурфикрларига айниқса кучли зарба бўлди, бироқ улар сунний мутафаккирларга ҳам сезиларли таъсир кўрсатганини ҳисобга олиш лозим. Бу жараёнда Ўрта Осиёнинг ғарбий чеккасидаги Тус шаҳридан (ҳозирги Эроннинг шарқий қисми) чиққан икки киши муҳим рол ўйнаган.

Улардан биринчиси Низомулмулк (1018-1092)[4] бўлиб, у энг истеъдодли маъмур ва шу билан бирга ўз даврининг таниқли жамиятшунос олимларидан бири эди. Ал-Мулкнинг устозлари уни Марказий Осиё Уйғониш даврининг буюк тафаккур намоёндалари асарлари билан таништирдилар. Аммо тақдир тақозоси билан у Салжуқийлар салтанатига вазир етиб тайинланганида шиа муҳолифларига қарши кураш авж олган эди. Бу курашнинг ҳалокатли оқибатларидан хавфсираган Низомулмулк ёш авлодга ортодоксал суннийлик исломини сингдирадиган мактаблар (мадрасалар) тармоғини ташкил этишни тақлиф қилди, чунки яхши таълим олган ёшлар, унинг нуқтайи назарича, "соф" эътиқодга амал қилган бўларди. Бироқ, ушбу мактабларнинг битирувчилари нафақат шиаликни, балки хурфикрлиликни ҳар қандай бошқа шакллари, яъни ортодоксалликдан оғиш сифатида талқин қилиниши мумкин бўлган ҳар қандай ғояларни рад этишлари кутилган эди.

"Эркин фикрлашни жиловлаш"да ҳал қилувчи рол ўйнаган иккинчи шахс Абу Ҳомид Муҳаммад ибн-Муҳаммад ал-Ғаззолий (1058-1111) - файласуф ва илоҳиётчи бўлиб, унинг фикрича "мантиқдан назоратсиз фойдаланиш"дан келиб чиқадиган таҳдидларга қарши тўғридан-тўғри ҳужумга ўтди. Унинг энг машҳур китобининг биргина сарлавҳасидаёқ ҳамма нарса ҳақида етарлича аниқ англатиши мумкин: "Файласуфларнинг (яъни олимларнинг - замонавий тушунчада барча тафаккур намоёндаларининг) мантиқсизлиги." Худди Фёдор Достоевскийнинг "Ака-ука Карамазовлар" асаридаги Буюк Инквизитор сингари, Ғаззолий ҳам ўз душманини яхши биларди: ушбу ҳолатда минтақанинг энг яхши ақл эгаларини ўзига жалб қилган Аристотелнинг эмпиризми қаршида турар эди. Аристотелга ҳужум қилар экан, у бир вақтнинг ўзида ўз даврининг барча рационалистларига ҳужум қилди ва бу билан интеллектуал муҳитга ҳалокатли таъсир кўрсатди.

Ал-Мулк ва Ал-Ғаззолий биргаликда Марказий Осиёда уч аср давомида жуда юқори даражада бўлган илмий тафаккур мустақиллиги, ноёб хурфикрлиги даражасини сезиларли даражада пасайтирдилар.

Марказий осиеликлар бунга ўзига хос зукколик билан жавоб беришди. Эътиқоднинг юзаки қатламлари дағаллашиб, қотиб қолгач, уларда индивидуал маънавиятга қизиқиш пайдо бўлди. Уларнинг Оллоҳнинг сирли моҳиятини англашдаги ўта шахсий тизими на

китобларни, на иерархияларни, на масжидларни талаб қиларди ва Тасаввуф деб аталди. Марказий Осиёлик мутафаккирлар хиндуист Ҳиндистон билан алоқалари, буддизмнинг бой маҳаллий анъаналари, Сурия насронийлиги ва ҳатто минтақанинг савдо марказларида тобора кенг тарқалаётган иудаизм туфайли Худога бундай мистик ва чуқур шахсий сиғинишнинг кўплаб шаклларига эга эдилар. Бу эътиқодларнинг тасаввуфий ғоялари ва оқимлари тасаввуфни айнан қандай йўл билан шакллантирганлиги ва бойитганлиги жуда мунозарали масала бўлиб қолмоқда, [5] лекин бир нарса аниқки, дастлабки сўфийлар араблар бўлишига қарамай, тасаввуфнинг ҳақиқий ватани Марказий Осиё бўлган. Айнан шу ерда кейинчалик бутун мусулмон дунёсига тарқалган бир нечта дастлабки ва кучли сўфийлик ҳаракатлари шаклланди. Бугунги кунда Румий, Аттот ва бошқаларнинг тасаввуфий дostonлари янги давр фалсафаси сифатида қабул қилинади, аммо улар яратилган даврда дунёвий ташвишлардан чалғиш ва ўз ичига ёки ўз моҳиятига чуқурлашишнинг ўзига хос кўриниши эди.

Марказий Осиё 1100-йилдан кейин ҳам дунёнинг глобал, илмий тамаддунидан чиқиб кетгани йўқ. Ғарбда Амир Темур номи билан машҳур бўлган Темур XIV асрда Дехлидан Ўрта ер денгизининг шарқий соҳилларигача бўлган ярим дунёни забт этди, сўнгра қайта қурилган пойтахти Самарқандда истеъдодли олимлар ва ёзувчиларнинг катта гуруҳини тўплади. Бир асрдан сўнг Бобур Фарғона водийсидан чиқиб, Ҳиндистонда мўғуллар сулоласига асос солди. Хукмдорни ўзи ҳам истеъдодли ёзувчи бўлиши баробарида эски Марказий Осиё анъанасига амал қилиб, ўша даврнинг кўзга кўринган истеъдодларини ўз саройига таклиф қиларди.

Шунга қарамай, Марказий Осиё ҳеч қачон 800-1100-йиллар оралиғида порлаган интеллектуал улуғворликни қайта тиклай олмади. Юқори ички тарифлар минтақани маданиятлараро алоқаларга "очган" ва унинг гуллаб-яшнашига сабаб унсурни яъни бир пайтлар буюк бўлган савдо йўлларининг конструктив самарадорлигини йўқ қилди. Айтиш мумкинки, улар шу йўл билан Марказий Осиё учун олтин тухум туғган ғозни нобуд қилишган. Диний ортодоксаллик энг ноёб мутафаккирлар руҳининг эркинлигини бўғиб қўйди. Марказий Осиёнинг қуёши ботиши бошлангандан сўнг, у аста-секин бутун Евроосиёнинг юқори маданият маркази бўлишдан тўхтаб, аста-секин узоқ чўли биёбонга айланди.

Ушбу зулматга чўмишни ҳисобга олган ҳолда, Ден Разер каби 2001 йил 11-сентябр воқеаларидан сўнг Афғонистонни ҳам минтақани ҳам рутубатли ўлка сифатида дунёга таништириш қийин эмас эди. Спорт куртқаси кийиб олган журналист тонг қоронғисида Афғонистондан репортажларини суратга олар экан, у мамлакатни етиб бўлмас даражада узоқ, умидсиз қолоқ, экзотик, маргинал ва ҳаммага ва барчага таҳдид соладиган, қисқаси, охир дунё сифатида кўрсатди. Гўё бу минтақадан Ибн Сино, Беруний ва бошқа бир қатор жаҳон миқёсидаги даҳолар ҳеч қачон етишиб чиқмагандек.

Ғарчи Ретернинг Марказий Осиёнинг тасвирида асл моҳият акс сезилиб турсада, у муайян ташвишли хулосаларга эга. Бир томондан, Қўшма Штатлар ва жаҳон ҳамжамияти ушбу минтақага нисбатан умид қилиши мумкин бўлган энг яхши нарса - бу ундан келадиган зарарни бироз камайтиришдир, деган таассурот уйғотади. Бунинг маъноси шуки, у ерда бизни кўрқитаётган ҳамма нарсани вайрон қилишимиз сўнгра кетишимиз керак. Муаммо шундаки, нарсаларга бундай қарашда ўз умидларини рўёбга чиқариш имконияти яширинган: кўпчилик умидсиз деб ҳисоблаган жой ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб қолади ва ҳатто аввалгидан ҳам хавфлироқ бўлади. Марказий Осиё ва Афғонистон тўртта, яқин орада еса бешта ядровий давлат ўртасида жойлашганлиги масаланинг моҳиятини ўзгартирмайди.

Яхшиямки, реал вазиятнинг тўлиқ манзараси қоқоқликнинг мавжуд сиймоси билан тугамайди. Минтақа Советлар, кейин эса Толибон ҳаракатлари назоратидан чиқиб кетганидан бери қадимги континентал савдо йўллари қайта тиклана бошлади. Европага учиб кетаётган хиндлар ва корейслар шу ерда тўхтади. Ўнлаб мамлакатлар ва шунча халқаро молия институтлари кейинчалик Европа, Хитой, Ҳиндистон ва Яқин Шарқни боғлайдиган йўллар тармоғини жадал қурмоқда. Бу ишнинг ягона марказдан туриб бошқарилмаётгани унинг кўлами ҳали тўла англаб етилмаганидан далолат беради. Шунга қарамай, йўл

курулиши шу даражага етдики, ундан воз кечишнинг деярли иложи йўқ. Афғонистон орқали Европа ва Хитой ўртасида, шунингдек, Араб денгизи, Ҳиндистон ва Жануби-Шарқий Осиё йўналишида янги транспорт коммуникацияларининг очилиши, Яқин Шарқ, Хитой ва Ҳиндистонни боғлаш яқин ўн йилликда бутун Евроосиё континентал массивини ўзгартиради. Ҳозир минтақада пайдо бўлаётган барча ўзгаришларда, аслида, янгилик кам. Янги транспорт конфигурацияси қандай бўлиши билан қизиқувчилар Олтин давр савдо йўналишларини ўрганишдан бошлашлари мумкин.

1991-2001-йиллар оралиғида содир бўлган Марказий Осиёнинг дунёга "очилиши" минтақани интеллектуал жиҳатдан ўзгартира бошлайди. Вилоятдан ўн минглаб талабалар хориждаги энг яхши университетларга ўқишга борди. Минг йил аввалги ўтмишдошларига муносиб маърифатпарварлик руҳида Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳукуматлари бу ёшларнинг энг замонавий билимларни эгаллаши ва ватанига олиб келиши учун уларнинг таълим олиши учун пул тўлаган. Улар ўз минтақасининг умумжаҳон интеллектуал муҳити билан ўзаро алоқасини тиклашга қатъий қарор қилган ҳолда қайтадилар. Кейинги ўн йил ичида бу ёшлар ўз жамиятлари ва умуман минтақада етакчи ролларни ўз зиммаларига оладилар.

2010-йил 12-феврал

Манба - Trend News

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Стивен Фредерик Старр (1940-йил 24-март) - Россия ва Евроосиё бўйича америкалик эксперт. Россия ва Евроосиё мавзулари бўйича 20 та китоб ва 200 дан ортиқ мақолалар муаллифи ва муҳаррири. У АҚШнинг учта президенти ҳузурида Россия ва Евроосиё бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаган. У АҚШ ҳукумати томонидан Марказий Осиё минтақасидаги муаммоларни ўрганиш учун тузилган гуруҳнинг раиси бўлган. 1999-йилда Бирлашган штаб бошлиқлари қўмитаси учун Марказий Осиё, Кавказ ва Афғонистон бўйича биринчи комплекс стратегик баҳони ишлаб чиқишда иштирок етган. Ушбу ҳудудлар бўйича қонунчилик ишлаб чиқилишида иштирок этган. Жонс Хопкинс университети қошидаги Пол Х. Нице номидаги истиқболли халқаро тадқиқотлар мактаби профессори. Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ҳар томонлама ўзаро манфаатли муносабатларни мустақамлаш ва ривожлантиришдаги катта хизматлари, чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришга қўшган салмоқли ҳиссаси, улар асосида ўзбек халқи тарихи ва маданиятига оид қатор фундаментал асарлар яратгани, мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг моҳияти, аҳамияти ва кўлами ҳақида хорижий жамоатчиликни кенг хабардор қилишга қаратилган фаол фаолияти учун - "Дўстлик" ордени (2019-йил 29-август, Ўзбекистон) билан тақдирланган.

Фредерик Старр 2023 йил 8 ноябрда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида АҚШ Ташқи сиёсат кенгаши қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти (САСИ) асосчиси ҳамда раиси, профессор Фредерик Старр маъруза ўқиди. Уни тингловчиларга таништириш чоғида Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи ўринбосари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори Содик Сафоев машҳур америкалик олимнинг Ўзбекистонга бўлган катта қизиқишини ва у билан узоқ йиллик ҳамкорлигини таъкидлаб ўтди.

2. Ушбу асар таниқли тилшунос, адабиётшунос олимлар Низомиддин Махмудов ва Маматқул Жўраевлар томонидан Жаҳон адабиёти журналининг 2014 йил 5 сонидан нашр этилган. Таржимонларга миннатдорчилик билдирган ҳолда асардаги илмий масалалар юзасидан қўшимча маълумотлар бериш асносида мустақил равишда нашрга тайёрланганлигини билдираман.

3. Мўғуллар истилоси даврида тарихий ва маданий ёдгорликлар вахшийларча яқсон қилинди. Мўғуллар истилоси ва ҳукмронлиги даврида мағлуб ва мазлум бўлган халқларнинг ягона ҳалокати шу бўлдики, улар душманга қарши барча ички низоларни четга суриб,

биргаликда курашнинг зарурлигини англаб етмадилар.
<https://www.facebook.com/shohistahon.uljaeva.9>

4. Низомулмулк мамлакатда йирик мулкдорлар ва қабила бошлиқларининг айирмачилик (сепаратистах) ҳаракатларига қарши курашиб, давлатни бошқариш ишларини марказлаштириш сиёсатини ўтказган. 1067 й. Бағдодда «Низомийя» ақоид ва ҳуқуқ мадрасасини қурдиради. 1091 й. «Сиёсатнома» («Сияр ул-мулук») асарини ёзади. Унда давлат бошқарувида алоқадор қарийб ҳамма қоида ва қонунлар, усул ва воситалар, қози ва қозихона ишлари, қўшин ва сарбозлар, хизматчи ва шахсий сарбозлар масалалари, саройдаги соқчилару посбонлар вазифалари, уларнинг маошлари, почта ва айғоқчилик (разведка) ишлари, уларнинг моддий жиҳатлари, ҳатто шоҳнинг оилавий ишлари, солиқ ва ҳирож, закот ва вақф масалалари ҳам ўрин олган. Асарнинг асосий ғояси шундан иборатки, вазир Н. шоҳ ва ҳокимларни адлу инсофга, сулҳ ва мурувватга, давлатни оқилона бошқариб, қатъий қоида ва тартиб ўрнатишга, амалдорларни виждонли, пок, ҳалол ва иймонли бўлишга, мамлакат ободонлиги, унинг аҳли фаровонлиги, тинчлик ва тотувлигини таъминлаш учун ҳаракат қилишга даъват қилади.
<https://qomus.info/encyclopedia/cat-n/nizomulmulk-uz/>

5. Тасаввуф таълимоти ўз ичига олтмишдан ортиқ тариқатни олади. Бу тариқатлардан қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин:

1. Хожагон-нақшбандия;
2. Яссавия;
3. Кубравия
4. Қодирия;
5. Мавлавия;
6. Сухравардия. <https://nasafziyo.uz/index.php?newsid=6594>

Демак, тасаввуф инсоннинг қалбий жиҳатига катта аҳамият берган. Шунингдек, молий ва баданий ибодатларни ҳам эътибордан четда қолдирмай, мусулмон шахсни ахлоқий-иймоний комил мақомотларнинг энг олийсига эришиши учун ҳақиқий йўл – тариқатни осонлаштириб чизиб берадиган илмдир. Бунда тасаввуф зикр ҳалқалари-ю, вирдларни қироат қилиш билан чекланиб қолмай, балки ишончли, шомилу-комил илмий амалий манҳаж бўлиб, оддий бир инсонни комил мусулмон даражасига кўтара олади.
<https://islom.uz/maqola/22410>

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
LOOK TO THE PAST

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000